

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 67-ҳадис

67 - وَعَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: مَا مِنْ مُسْلِمٍ يُعُودُ مُسْلِمًا عُذْوَةً إِلَّا صَلَّى عَلَيْهِ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ حَتَّى يُمْسِي، وَإِنْ عَادَهُ عَشِيَّةً إِلَّا صَلَّى عَلَيْهِ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ حَتَّى يُصْبِحَ، وَكَانَ لَهُ خَيْرٌ فِي الْجَنَّةِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ.

«الحَرِيفُ»: التَّمْرُ الْمَخْرُوفُ، أَي: الْمُجْتَنَى.

Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг:

«Бирор мусулмон бошқа бир мусулмонни эрталаб кўргани борса, то кеч киргунича етмиш минг фаришта унинг ҳаққига дуода бўлишади. Агар кечқурун кўргани борса, то эрталабгача етмиш минг фаришта унинг ҳаққига дуода бўлишади. Ҳамда бу кишига жаннатда териб, йиғиб қўйилган мева бўлади», деб айтганларини эшитдим.

Имом Термизий ривоятлари.

Шарҳ: Ислом мусулмонларни ўзаро оқибатли, меҳр-мурувватли бўлишга ва яқинлари касал бўлиб, хасталаниб қолса, ҳолидан хабар олишга, зиёрат қилишга чақиради. Чунки, кўнгил сўраб, йўқлаганда бемор кишининг кўнгли кўтарилиши, енгил тортиши, уни кўргани келгани учун хурсанд бўлиб, руҳий ҳаловат топиши бор нарса. Зиёратда унинг дардига шифо сўраш, тасалли айтиш маънолари борлиги учун ҳам, бу амалнинг ажри улқандир. Фаришталар ҳам касал зиёратига борган мусулмоннинг ҳаққига Аллоҳдан барака беришини, бу амали учун жаннат ато қилишини сўраб дуо қиладилар. Шу сабабди беморларни зиёрат қилишга, уларни ҳаққига дуо қилиш ва улардан дуо сўрашга тарғиб қилинади. Иншааллоҳ, беморнинг дуоси ижобатдир. Бу ҳақда Набий (с.а.в.) дан кўплаб ҳадислар баён қилганлар. Аллоҳ таоло беморни зиёрат қилувчининг йўлига етмиш минг фариштани дуо қилиши учун йўллаб қўяди. Охиратда эса, самара ҳосилини жаннатда ато этилади.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Беморни зиёрат қилиш инсонпарварликдир. Бир вақтнинг ўзида шаръий бурч ҳамдир.
2. Аллоҳ йўлида биродарини зиёрат қилиш фаришталарнинг дуосига мушарраф қилади.
3. Бемор ва хасталарни зиёрат қилиш жаннатга кириш сабабларидан биридир.
4. Муслмон киши нотаниш бўлсада, касал ва беморларни зиёрат қилаверади.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVIDLARI